



**«ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ХУДУДЛАРИДАГИ  
МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАРДАН  
Фойдаланиш асосида импорт ўрнини  
босувчи маҳсулотлар ишлаб  
чиқаришнинг долзарб масалалари»  
мавзусида республика илмий-амалий  
конференцияси**

**МАТЕРИАЛАРИ**

**(2017 йил 27-28 апрел)**



**НАМАНҒАН -2017**

66	<b>МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЎРНИ</b> Ғ.Мадияров, О.С. Казаков, Л.Убайдуллаев - НамМТИ	158
67	<b>МАҲАЛЛИЙ ҲОМ-АШЁ НЕГИЗИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ.</b> Акрамов А.,Казаков О.С.Наманган мухандислик-технология институти	160
68	<b>PUL TIZIMINING BAQARORLIGI VA MILLIY VALYUTANING KONVERTABELLIGINI TA'MINLASH YO'LLARI.</b> ВМА tinglovchisi Karimov A.A.	161
69	<b>МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИГА ЖАЛБ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР</b> М.Ғаниев,З.Абдулхакимов, Райимжонов М. - НамМТИ	162
70	<b>МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МИНТАҚАЛАР ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ.</b> И.ф.н. Б.Т.Байхонов,ТДИУ, катта илмий ходим изланувчи	164
71	<b>ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ</b> Булисова М. Тошкент Иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси	166
72	<b>ЕНГИЛ САНОАТДА ХОМ-АШЁЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИ</b> Ҳакимов З.А. катта илмий ходим ТДИУ, Абдуллаева О. Зангиота озиқ-овқат касб-хунар коллежи	167
73	<b>УЛГУРЖИ САВДОНИ РИВОЖЛАНИШИДА БИРЖАЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ЎРНИ</b> Йўлдашев Қ.Р. ТДИУ катта илмий-ходим изланувчиси	171
74	<b>ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА БИЗНЕС РЕЖАДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ.</b> Н.Н.Турсунов катта ўқитувчи - НамМТИ	173
75	<b>САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИЛФОР ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУРИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ.</b> Н.Н.Турсунов катта ўқитувчи - НамМТИ	175
76	<b>ХУДУДЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.</b> Ибрагимов И.У. НамМТИ	178
77	<b>ОЗИҚ-ОВҚАТ ТОВАРЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИДА МАРКЕТИНГНИНГ ТУТГАН ЎРНИ.</b> Т.Махмудов – ассистент. НамМТИ	180
78	<b>МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ТАРАҚҚИЁТИДА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ</b> Отажанов У. А. катта илмий ходим-изланувчи ТДИУ	183

# МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЎРНИ

Ғ.Мадияров, О.С. Казаков, Л.Убайдуллаев  
Наманган муҳандислик-технология институти.

Мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга ҳукуматимиз томонидан катта эътибор берилмоқда.

Бу борада, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И. Каримов таъкидлаб ўтганидек, «...ислоҳотлар натижасида ялпи ички маҳсулотимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етгани ёки 1,8 баробар ошганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ҳозирги пайтда ушбу соҳада жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд жами аҳолимизнинг 77 фоиздан ортиғи – шунга эътибор беринг – мазкур тармоқда меҳнат қилаётгани, ўз пешона тери билан нафақат ўз оиласини боқаётгани, балки мамлакатимиз бойлигига бойлик қўшаётгани, аввало, мустақиллик бизга очиб берган имкониятларнинг яққол исботи, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.»<sup>1</sup>.

Тадбиркорлик фаолияти ҳаётнинг илмий ва техникавий ривожланишига жиддий таъсир кўрсатади. Кичик бизнес хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг тез ўзгариб турадиган бозор талабларига жавоб беришини таъминлайдиган замонавий тизимдир. Шунингдек корхоналарни фаолиятини амалга оширишда ва аҳолини ижтимоий иқтисодий ривожланишида ўзининг алоҳида ўрнига эга.

Масалан, Наманган вилоятида ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан “ягона дарча” тамойилини жорий этиш, кичик бизнес субъектларининг статистика ва солиқ ҳисоботларини тақдим этиш механизмини соддалаштириш, хусусий тадбиркорлар учун хом ашё ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини анча кенгайтириш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада ялпи ҳудудий маҳсулотни шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдан буён ўтган даврда 33,4 фоиздан 79,7 фоизгача, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда эса – 15,6 фоиздан 55,9 фоизгача ўсди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан сўнгги 7 йил мобайнида жами 1,3 трлн. сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратиб берилди. 2014 йилда бу

---

<sup>1</sup>Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир ” Тошкент,”Ўзбекистон”2016.

кўрсаткич 386,4 млрд. сўм ёки ўтган йилга нисбатан қарийиб 1,3 мартага кўп демакдир.

Наманган вилоятида 2015 йилда кичик бизнес субъектлари томонидан 26 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилиб, кичик бизнес соҳасида банд бўлган аҳоли сони 784,4 тага етказилади. Ёки иқтисодиётда банд бўлганларнинг 82,5 фоизи кичик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келади.

2015-2020 йиллар мобайнида вилоятда жами 10,5 мингга яқин янги кичик бизнес корхоналари ташкил этилиши ва уларнинг сони 2020 йилга бориб 22 мингдан ошиши мўлжалланмоқда. Ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши эса 83,2 фоизга етказиш белгиланган.

Бизнинг фикримизча, кичик бизнес субъектларининг янада жадал ривожланиши учун маркетинг фаолияти ва ҳар бир тармоқ ёки соҳанинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб маркетинг чора тадбирларини қўллаш лозим бўлади. Ҳозирда фаолият кўрсатаётган мамлакатимиздаги тадбиркорларни бозор муносабатлари шароитида самарали бизнес юритишларида маркетинг алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу эса, тадбиркорлик соҳасида қабул қилинган қарорларнинг самарали бўлишига олиб келади. Маркетинг фаолияти самарадорлиги тадбиркорликда асосий омиллардан бирини эгаллаб келмоқда.

Келгусида иқтисодий сиёсатнинг бош мақсади, аҳолини турмуш даражасини кўтариш учун шарт-шароит яратиш, ижтимоий муаммоларни изчил ҳал этиш, узоқ муддатли барқарор ўсишни таъминлаш ва шу асосида вилоятни республика иқтисодиётидаги ўрнини мустаҳкамлашдан иборатдир. Ана шу асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда бизнинг фикримизча қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

биринчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳуқуқий муҳофазасини таъминлашни янада кучайтириш;

иккинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида реклама ва ахборот марказларини ташкил этиш ҳамда маркетинг ва реклама хизматларини жонлантириш;

учинчидан, сармоя топишдаги муаммоларни ҳал этишда мақсадли ва аниқ йўналтирилган микрокредитлар меъёрини ошириш лозим;

тўртинчидан, йирик корхоналар ўртасида барқарор кооперациялар ўрнатиш ва янада ривожлантириш;

бешинчидан, аҳолини касаначиликка жалб қилиш, халқ хунармандчилигини ривожлантириш ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш;

олтинчидан, моддий техника ресурсларини сотиб олишдаги қийинчиликларни бартараф этиш;

еттинчидан, корхонанинг банкдаги ҳисоб varaғидаги турган маблағлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

2016 йил 5-октябрда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама химоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси

Президентининг Фармони бу масалаларни ечимини топишда асос сифатида фойдаланиш мумкин.

**МАҲАЛЛИЙ ҲОМ-АШЁ НЕГИЗИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ  
САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ**  
Акрамов А., Казаков О.С. Наманган мухандислик-технология институти

Республика ҳукумати томонидан фан-таълим-ишлаб чиқариш интеграциясини янада жадал ривожлантириш ва у асосида ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, мамлакат ялпи ички маҳсулотини янада юқори суръатларда ўсишини таъминлашга ҳаракат қилинмоқда. Саноат ишлаб чиқариш корхоналарида инновация соҳасида янгиликларни яратиш ва жорий этиш ҳисобига самарадорликни ошириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Янги техника ва технологияларни яратиш, янги хом ашё ресурсларини кашф этиш ва улардан фойдаланиш, янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш орқали рақобатбардошлиликни оширишга муваффақ бўлинади.

Наманган вилоятида ҳам фан-таълим-ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Кўплаб янгиликлар яратилмоқда ва ишлаб чиқаришга жорий қилинмоқда. шу йўналишдаги ишлар чорвачиликни ривожлантириш соҳасида ҳам амалга оширилмоқда. Бугунги кунда чорвачилик соҳасида энг асосий муаммолардан бири – чорва хайвонлари учун самарали, юқори калорияли, тўйимлилик даражаси юқори бўлган ва таннархи арзонроқ бўлган емларни тайёрлаш масаласидир. Биз томонимиздан олиб борилган тадқиқотлар ушбу масаланинг ечимига йўналтирилган бўлиб, асосий мақсад қилиб янги, юқори калорияли, тўйимлилик даражаси юқори бўлган ва самарали ҳисобланган ем ишлаб чиқариш механизминини яратиш қабул қилинди.

Бугунги кунда чорва учун тайёрланадиган емларнинг асосий қисми қуруқ массадан тайёрланади. Биз эса маҳаллий хом ашёлар ҳисобланган қамиш, янтоқ ва маккажўхоридан кўк ҳолича ем ишлаб чиқаришни мақсад қилиб олдик. Бунда емнинг сифати юқори бўлиб, маҳаллий хом ашёларнинг таркибида мавжуд бўлган барча витаминлар тўлиқ сақланиб қолади. Ушбу масаланинг ечимини излаш натижасида мутлақо янги бўлган технология яратилди ва янги хил маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ишлаб чиқарилган маҳсулот вилоят ветеринария лабораториясида экспертизадан ўтказилди ва чорва учун яроқлилиги, юқори калорияга эга эканлиги тасдиқланди ва бир неча чорвачилик ва балиқчилик фермерн хўжаликларида синовдан ўтказилди. Ушбу фермер хўжаликларидан ижобий ҳулосалар олинди. 2017 йил давомида ушбу маҳсулотдан 30 тонна ҳажмида ишлаб чиқаришни режалаштирилган. Бугунги кунда чорвачилик учун тайёрланадиган емларнинг хусусиятлари аниқланганда улар турли даражада таъсир этиши аниқланди. Чорва хайвонларида турли овқатларнинг хазм бўлиши коэффициентларини таҳлил қилиш натижасида энг кўп протеин ва ёғлар улар кунжара истеъмол қилганда рўй бериши аниқланди. Кунжара истеъмол қилганида 91 % протеин ва 90 %